



Omon Toshmukhamedov in the Memory of his Contemporaries

Jamshid ADILOV¹, Jasur TOGAYEV², Sunnatillo KHAMRAEV³

National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

ARTICLE INFO

Article history:

Received April 2025
Received in revised form
15 May 2025
Accepted 15 June 2025
Available online
25 June 2025

Keywords:

Mirzo Ulugbek National
University of Uzbekistan,
Faculty of History,
Omon Oybekovich
(Musayevich)
Toshmukhamedov,
“Oral History” method,
Tashkent City Central State
Archive,
Agrarian issue.

ABSTRACT

This article explores the life and scientific activities of Omon Oybekovich (Musayevich) Toshmukhamedov, a scholar, skilled educator, and sincere person who worked productively for many years at the History Faculty of the Mirzo Ulugbek National University of Uzbekistan. In the process of writing the article, the scholar's scientific works, documents preserved in the Central State Archive of Tashkent city that illuminate his activities, and the memoirs of his contemporaries obtained using the “Oral history” method were used.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss3-pp112-118>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Омон Тошмуҳамедов замондошлари хотирасида

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий
университети,
Тарих факультети,
Омон Ойбекович
(Мусаевич)
Тошмуҳамедов,
“Oral history (Оғзаки
тарих)” услуги,
Тошкент шаҳар Марказий
Давлат архиви,
аграр масала.

Ушбу мақолада Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Тарих факультетида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган олим, моҳир педагог ва самимий инсон Омон Ойбекович (Мусаевич) Тошмуҳамедовнинг ҳаёти ва илмий фаолияти тўғрисида маълумот берилган. Мақолани ёзиш жараёнида олимнинг илмий ишлари, унинг фаолиятини ёритувчи Тошкент шаҳар Марказий Давлат архивида сақланувчи ҳужжатлар ва унинг замондошлари хотираларидан “Oral history (Оғзаки тарих)” услуги орқали олинган маълумотлардан фойдаланилди.

¹ Senior Research Fellow, National Center of Archeology Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.

E-mail: jamshid8880@bk.ru

² PhD, Associate Professor, Department of History of Uzbekistan, National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek. E-mail: jasur.togaev@nuu.uz

³ PhD, Teacher, Department of History of Uzbekistan, National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek. E-mail: hamroyev.s@mail.ru

Омон Тошмухамедов в памяти современников

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека, исторический факультет, Омон Ойбекович (Мусаевич) Тошмухамедов, метод «Устная история», Центральный государственный архив города Ташкента, аграрный вопрос.

В данной статье освещается жизнь и научная деятельность ученого, умелого педагога и искреннего человека Омона Ойбековича (Мусаевича) Тошмухамедова, много лет плодотворно работавшего на историческом факультете Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека. В процессе написания статьи были использованы научные труды ученого, документы, хранящиеся в Центральном государственном архиве города Ташкента, освещающие его деятельность, и воспоминания его современников, полученные с помощью метода «Oral history (Устная история)».

КИРИШ

2025 йилда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Тарих факультети ўзининг 90 йиллигини нишонламоқда. Тарих факультетининг 90 йиллик ўтмишида унинг ривожига ҳисса қўшган кўплаб олимларнинг номи ва шарафли умр йўллари ҳамкасблар, шогирдлар ва яқинлар томонидан эсга олинади. Ушбу хотиралар орқали биз кейинги авлодларга ўз даврида нафақат Тарих факультети, балки тарих фаннинг ривожланишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган олимлар ҳақида маълумотларни етказиб берамиз. Шу орқали уларнинг илмий ишлари, ҳаёт йўли авлодлар хотирасида мангу яшайди. Илмий соҳадаги изчиллик вужудга келади.

Ўзбекистонда тарих фанининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўша олган ва узоқ йиллар Тарих факультетида самарали меҳнат қилиб келган шундай тарихчилардан бири бу – таниқли олим Омон Ойбекович Тошмухамедовдир*. Биз Омон Ойбекович билан шахсан учрашмаган бўлсак-да, у кўп йиллар фаолият юритган университетда таҳсил олган пайтимизда олимнинг ҳамкасблари ва шогирдларидан доимо у ҳақидаги илиқ фикрларига эътибор берар эдик. Шунинг учун ушбу мақолани асосан олимнинг замондошлари, ҳамкасблари, шогирд ва яқинларининг у ҳақидаги хотирасига асосланган ҳолда ёзишга қарор қилдик*.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Зеро, инсон ҳақида тўлиқ, ҳар томонлама холис маълумотга эга бўлиш учун фақатгина ҳужжатларга ёки расмий маълумотларга асосланишнинг ўзи кифоя эмас. Бунда биз кичик тадқиқотимиз доирасида “Oral history (Оғзаки тарих)” услубидан фойдаланишга қарор қилдик [Бу усул ҳақида қаранг: 1; 3, – Б. 17-19; 10; 21].

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Ҳозирга қадар О.О. Тошмухамедовнинг ҳаёти ва илмий фаолиятига оид алоҳида тадқиқот яратилмаган. Фақат ушбу сатрлар муаллифларидан бирининг О.О. Тошмухамедов ҳақидаги кичик мақоласи бундан мустасно[2, – Б. 193-197.].

* Тарихчи-олим Омон Ойбекович Тошмухамедовнинг исм-фамилияси ҳужжатларда ёзилган тартиб бўйича келтирилади.

* Шу ўринда ушбу мақолни ёзиш жараёнида қатнашган барча респондентларимизга ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Демак, Омон Ойбекович Тошмуҳамедов ҳақида фикр юритар эканмиз, аввало бўлажак олим 1932 йилда Тошкент шаҳрида таниқли ўзбек адиби Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг оиласида туғилганлигини қайд этиш лозим. Бўлажак олим 1950–1955 йилларда М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг тарих факультетида ўқиб [9, – Б. 179], 1955–1958 йилларда Ўрта Осиё Давлат университетида (ҳозирги – ЎзМУ) “Ўзбекистон тарихи” ихтисослиги бўйича аспирантурада таҳсил олади [18, – В. 1 о.в.].

О. Тошмуҳамедов 1959 йилдан Тошкент Давлат Университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг тарих факультетида кириқ икки йил давомида илмий-педагогик фаолият юритган. Омон Ойбекович ўз фаолияти давомида оддий ўқитувчиликдан “СССР тарихи” кафедрасининг мудир (1972-1986 йй.), факультет декани (1965–1967 йй.) лавозимларига кўтарилиб [20, – Б. 87-88], моҳир муаллим сифатида талабалар ва ўқитувчи-профессорлар орасида катта ҳурматга сазовор бўлди. Талабаларга “СССР тарихи”, “Манбашунослик ва тарихшунослик” ҳамда бошқа фанлардан дарс берган.

Ҳозирда Тошкент шаҳар Марказий Давлат архивида сақланувчи ҳужжатларда қайд этилишича, олим узоқ йиллар давомида Ўзбекистонда аграр ўзгаришлар тарихини чуқур ўрганиб, бу соҳада илмий изланишлар олиб борган [18, – В. 8]. Шунингдек, 1988 йилдан О.О. Тошмуҳаммедов бошчилигида ТошДУ тарих факультетида кечки бўлимнинг иккита гуруҳи архившуносликка йўналтирилди. Кейинчалик 1991–1992 ўқув йилида тарих факультети таркибида Омон Ойбекович ташаббуси билан “Манбашунослик, архившунослик ва музейшунослик” кафедраси ташкил этилади [19, – В. 67]. 1993-1996 йилларда доц. О.О. Тошмуҳамедов ушбу кафедрада мудир сифатида фаолият юритган. Кафедранинг номи 1997 йилдан “Манбашунослик ва архившунослик” деб юритилган. Айнан шу кафедрада Омон Ойбекович умрининг охиригача фаол педагогик фаолият юритди.

Шунингдек, у педагогик фаолиятни илмий изланишлар билан чамбарчас ҳолда олиб борган. Хусусан, О.О. Тошмуҳамедов томонидан 1964 йилда тақдим этилган номзодлик диссертацияси Ўзбекистонда Лениннинг ер-сув тўғрисидаги декретини амалга ошириш учун кураш (1917-1918 йй.) масаласини ўрганишга бағишланган [11, – Б. 26]. Олимнинг аграр ўзгаришлар ва у билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий жараёнлар тарихига бағишланган бир қатор илмий изланишлари эълон қилинган [12, – Б. 72-81; 13, – Б. 50-71; 14, – Б. 170-206; 15, – Б. 45-50; 16, – Б. 18-31; 17, – Б. 203-218]. Илмий ва педагогик изланишлари натижасида у 1965 йили доцент унвонини олган.

Олим нафақат Ўзбекистонда, балки собиқ СССРнинг бошқа республикаларида, бир қатор хорижий давлатларда турли илмий анжуманлар ва конференцияларда иштирок этган. Хусусан, 1975 йил 2229 августда АҚШнинг Сан-Франциско шаҳрида бўлиб ўтган XIV Тарих фанларининг халқаро конгрессида иштирок этди. Конгресс жараёнида О. Тошмуҳамедов замонавий Ўзбекистон ҳудудида XVIII–XIX асрларда кўчманчилар ва ярим кўчманчиларнинг ўтроқлашиш жараёни ҳақида чиқиш қилган [4, – Б. 168-170]. Шунингдек, у конгрессда ўтроқлашиш жараёни ҳақида бўлиб ўтган турли мунозараларда фаол қатнашган [4, – Б. 168-170].

Омон Ойбековичнинг замондошларидан бири, у билан узоқ йиллар бирга фаолият юритган, ҳозирда ЎзМУ “Архившунослик ва манбашунослик” кафедраси катта ўқитувчиси Валерий Григорьевич Иофе олимнинг фаолияти ҳақида хотиралар экан:

“Омон Мусаевич (баъзида Омон Ойбековичнинг ҳамкасблари уни “Омон Мусаевич” деб аташган экан. – Ж.А.) жуда босиқ, ювош, беозор, ҳеч кимни кўнглини оғритмайдиган, аммо қатъиятли инсон эди. 1965 йили декан этиб тайинланган. Деканлик даврида ўқитувчилар ва талабалар учун жуда очиқ декан бўлган... Бир кун университетда бўлган тадбирда отаси Ойбек билан ёнма-ён ўтириб қолишганди. У отасига жуда ўхшар эди... Ҳамкасблари Г.Л. Дмитриев, Н.А. Абдурахимова, М.М. Бабаджанова, билан дўстона муносабатларда бўлган. С.Ф. Атабекова, Ю. Пелипай, Г.В. Мачин, А. Яхшиев, Ф. Эргашевлар билан бирга ишлашган. 1972-1986 йй.да “СССР тарихи” кафедрасининг мудури бўлган. 1991 йили тарих факультети таркибида Омон Мусаевич ташаббуси билан “Манбашунослик, архившунослик ва музейшунослик” кафедраси ташкил этилади. 1993–1996 йилларда доц. О.М. Тошмуҳамедов ушбу кафедрада мудир сифатида фаолият юритган. Мени деярли 50 йиллик педагогик фаолиятим даврида энг хушмуомала, ёқимли, энг виждонли мудирлардан бири эди. Аммо қоғозбозликни жуда ёмон кўрар эди. Рус тилида жуда ажойиб маърузалар ўқирди. Умуман педагогик фаолиятни яхши кўрар эди. Умрини охиригача шу фаолият билан шуғулланган. Ҳаттоки вафот этганда ҳам дарсга кетаётган бўлган” [8], дейди.

О.О. Тошмуҳаммедовни деканлик йилларида тарих факультети талабаси бўлган яна бир респондентимиз, ҳозирда ЎзР ФА Миллий археология маркази бош илмий ходими, т.ф.д., профессор Дилором Агзамовна Алимова олим ҳақида куйидагиларни хотирлайди:

“Мен 1-курс студенти бўлганимда 1966 йилда факультет декани Омон Ойбековичнинг олдиларига кўп кирар эдим. Сабаби дастлаб мен тарих факультетининг “Полит-экономика” йўналишига ўқишга кирган эдим. “Археология” йўналишига ўтишни сўраб ариза ёзиб кирар эдим. У киши: “қиз бола учун археология йўналиши тўғри келмайди” – деб, эътироз билдирар эдилар. Кейинчалик мен қайта-қайта мурожаат қилаверганимдан сўнг, “бундай қатъиятли студентни кўрмаганман” деб, аризамга имзо қўйиб берганлар.

У киши талабаларга ўзига нисбатан тенг муносабатда бўлар эдилар. Талабалар ва бошқа одамларга нисбатан ўта юқори даражада маданиятли тарзда муомалада бўлар эдилар. Маърузалари қизиқ бўлар эди. Ҳеч ким чурқ этмасдан эшитар эди. Рус ва ўзбек тилида бирдай моҳирлик билан маъруза ўқирдилар.

1971 йили ўқишни битириб ЎзР ФА Тарих институтида илмий фаолиятни бошладим. Анча йиллар ўтгандан кейин Омон Ойбекович билан бир меҳмондорчиликда кўришиб қолдик. Ўшанда у киши “Сизнинг илмий фаолиятингизни кузатиб бораман” деган эдилар. Шунда анча вақт турли илмий масаларда суҳбатлашган эдик.

Омон Ойбекович педагогик фаолият билан бир вақтда илмий иш билан ҳам шуғулланар эдилар. Номзодлик ишини ёқлаганларидан сўнг аграр масала ва қишлоқ хўжалигига оид мавзу устида докторлик иши бўйича ишлаганлар. Ноёб манбалар билан ишлаганликларини билар эдим” [6].

Омон Ойбековични ҳам талаба, ҳам касбдош сифатида билган кейинги суҳбатдошимиз, ҳозирда ЎЗМУ “Архившунослик ва манбашунослик” кафедраси профессори, т.ф.н. Зокиржон Абдукаримович Саидбобоев олим ҳақида қуйидагича хотирлайди:

“Мен Омон Мусаевич билан талабалик йилларим, аниқроғи 1996 йили танишган эдим. Ўшанда университет томонидан Англияга ўқишга юборилган эдим. 1996 йили февраль–май ойлари Англияда бўлганимда курсимизга Омон Мусаевич “Манбашунослик” фанидан дарс берган эдилар. Мен охирги дарсларга қатнаша олганман холос. Кейинчалик 1998 йили июнь ойида айнан Омон Мусаевич фаолият юритган кафедрада “Британика энциклопедияси Ўрта Осиё тарихига оид манба” мавзусида диплом ишини ҳимоя қилганман. 1998 йил сентябрдан “Манбашунослик ва архившунослик” кафедрасида ўқитувчи сифатида фаолият юрита бошладим. Омон Мусаевич билан кафедрада кўп ҳамсуҳбат бўлганмиз. У киши менга кейинчалик менинг номзодлик диссертациям бўлган мавзуга эътибор қаратишимни айтганлар. Ўшанда “Ўрта Осиёга оид хариталарни олинг. Яхши мавзу.” деган эдилар. Кейин мавзунинг тахминий номланиши ва асосий масалаларни қўғозга ёзиб берган эдилар. Шу мавзу устида ишлаш жараёнида йўналиш берганлар. Кўп маслаҳат берар эдилар. Адабиётларни тавсия қилар эдилар... Жуда яхши одам эди. Маданиятли, сипо, бағрикенг, камтарин ва ўта билимли” [7].

Шу ўринда Омон Ойбековичнинг фарзандларидан бири – Мухидинова (Тошмуҳамедова) Лола Омонбековнанинг хотираларига мурожаат қилишни лозим топдик. Бу орқали биз қаҳрамонимизни оила аъзолари хотирасида қандай гавдаланишини намоён қилишга ҳаракат қилдик. Демак, Л.О. Мухидинова хотирлашича:

“Отамиз рус тилидаги мактабни битирган эдилар. Мактаб шаҳодатномасига “Исталган ОЎЮ кириш ҳуқуқи берилади” деб ёзилган эди. Уни МГУнинг айнан тарих факультетини танлашда отаси Ойбекнинг роли катта эди. Курсдош дўстлари ва МГУда ҳамкасблари кўп эди. Умриларининг охиригача улар билан алоқа қилиб туришар эди... Зиёли, қўли очиқ одам эдилар. Ҳаммага қўлларидан келганча ёрдам берар эдилар. Талабаларга меҳрибон эди. Хусусан, талабаларга ва умуман ўқишга қизиққан одамга ёрдам қўлини чўзар эдилар... Китоб ўқишни яхши кўрар эдилар. Манбаларни ҳам ўқирдилар. Кўп китоб дўконларни айланар ва бизларга турли китоблар олиб келар эдилар. Уйда катта кутубхонани яратган эди. Китобга меҳр уларга оталари Ойбекдан ўтган. Умуман Ойбекка ўхшар эдилар. Умуман китоб ўқишни тарғиб қилардилар... Камтарин, камгап инсон эдилар. Уй ишлари, хўжалик юмишларини ҳам бажарар эдилар. Бир сафар ўз қўллари билан стул тўғрилаб роса хурсанд бўлган эдилар. Оилада жуда меҳрибон эдилар. Уйда қаттиқ қўллик, талабчанлик қилмас эдилар бизларга. Аммо ўқишда тескарисини эди. Мен ТошДУ тарих факультетида ўқиган бўлсамда, Омон Ойбековичнинг қизи эканлигимни жуда кам одам биларди. Ўқиш жараёнида ҳеч қандай енгиллик йўқ эди... Факультетдаги иш фаолиятларига келсак, уларда бошқарувчилик қобилияти йўқ эди. Бунга хоҳишлари ҳам йўқ эди. Улар олим-тадқиқотчи одам эдилар. Чет элда кўплаб конференция ва илмий сафарларда бўлганлар. Хусусан, АҚШ, Дания, Туркия, БАА, Шарқий Европа давлатларида турли анжуманларда қатнашганлар. Докторлик ишини қизиқиш билан ёзганлар аммо ҳимоя қилмаганлар. Касбдошларидан Г.В. Дмитрев, Н.А. Абдурахимова, О. Содиқов, А.Н. Нуритов,

А. Гулямов билан дўстона муносабатда бўлишган. Отам уларга қараб “Сизлар менинг оиламсиз” дердилар. Ф. Эргашев, Ф. Хасанов ва Г. Мачин шогирдлари эди. Улар билан алоҳида эътибор билан ишлардилар... Илм ва китоблардан ташқари футбол ва фоторасмга олишга қизиқар эдилар...” [5].

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Омон Ойбекович Тошмухамедов 2001 йилда вафот этган бўлса-да, атоқли тарихчи олим, талабчан устоз, самимий дўст ва меҳрибон отанинг порлоқ хотираси унинг дўсту биродарлари, ҳамкасблари, шогирдлари ҳамда фарзандлари хотирасида мангу қолади.

Ниҳоятда иродали, ҳалол инсон, заҳматкаш ва ватанпарвар олим Омон Ойбекович Тошмухамедовнинг ҳаёт йўли ёшларга катта ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Унинг ёрқин хотираси ёдимизда абадий сақланиб қолади ва олим бажарган илмий тадқиқотлари эса Ўзбекистонда тарих фани тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб хизмат қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Thompson P. The Voice of the Past. New York: Oxford University Press, 1988. 322 p.
2. Адиллов Ж.Х., Азимбаев М.С. Омон Тошмухамедов: Exegi monumentum aere perennius... // Тарихий манбашунослик муаммолари / мақолалар тўплами. “TURON-IQBOL” нашриёти, Тошкент: 2018. Б. 193-197.
3. Азимбаев М.С. Тарихни ўрганишда “оғзаки тарих” (Oral history) услуги // ЎзМУ хабарлари. Махсус сон. 2013. Б. 17-19.
4. Дахшлейгер Г.Ф. Некоторые проблемы истории кочевых обществ на XIV международном конгрессе исторических наук// Советская этнография, 1976, № 4. С. 168-170.
5. Мухидинова Л.О. (Тошмухамедов О. нинг қизи. Тарих факультети талабаси бўлган) билан суҳбат. Тошкент. 01.03.2017 й.
6. Т.ф.д., проф. Д.А. Алимова (Тошмухамедов О. нинг деканлик йилларида тарих факультетининг талабаси бўлган. Кейинчалик турли илмий тадбирларда кўришган) билан суҳбат. Тошкент. 15.02.2017 й.
7. Т.ф.н., доц. З.А. Саидбобоев (Тошмухамедов О. нинг ўқувчиси. Кейинчалик ҳамкасби бўлган) билан суҳбат. Тошкент. 28.02.2017 й.
8. ЎзМУ “Манбашунослик ва архившунослик” кафедраси катта ўқитувчиси В.Г. Иофе (Тошмухамедов О. нинг ҳамкасби) билан суҳбат. Тошкент. 08.02.2017 й.
9. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари ҳақида маълумот. Тошкент: “Университет”, 2003.
10. Мокрова М.В. Устная история науки: от историографических традиций к комплексному источниковедению: Дисс. ... канд. ист. наук. Москва, 2004. 253 с.
11. Ташмухамедов А. Борьба за проведение Ленинского декрета о земле в Узбекистане (1917-1918 гг.): Автор. дисс. ... кан. ист. наук. Ташкент. 1964. 26 с.
12. Ташмухамедов А. Из истории аграрного движения в Узбекистане накануне Октябрьской революции (март-октябрь 1917г.). // ТашГУ им. В.И. Ленина. Научные труды, вып. 281 Материалы по истории Средней Азии. Ташкент, 1966. С. 72-81.

13. Ташмухамедов А. Из истории партийного строительства в кишлаках Туркестана (1918 г.) // ТашГУ им. В.И. Ленина. Научные труды, вып. 238. Материалы по истории Средней Азии и Узбекистана. Ташкент, 1964. С. 50-71.
14. Ташмухамедов А. К вопросу о социально-экономических сдвигах в узбекском кишлаке в 1917-1920 гг. // ТашГУ им. В.И. Ленина. Научные труды, вып. 223, Экономические науки, книга 7. Ташкент, 1963. С. 170-206.
15. Ташмухамедов А. О первых сельскохозяйственных коммунах и артелях в Узбекистане (1918 г.) // Труды ТашГУ им. В.И. Ленина. Новая серия. Вып. 169, исторические науки, книга 34. Материалы из истории Средней Азии и Узбекистана. Ташкент, 1960. С. 45-50.
16. Ташмухамедов А. Советское строительство в узбекском кишлаке (ноябрь 1917 – июнь 1918 гг.). // Труды ТашГУ. Научные труды. Вып. 212. Исторические науки, книга 42. Материалы к изучению истории Средней Азии и Узбекистана. Ташкент, 1962. С. 18-31.
17. Ташмухамедов А. Создание советских земельных органов в Узбекистане (ноябрь 1917 – середина 1918 г.) // ТашГУ им. В.И. Ленина. Научные труды аспирантов. Вып. 207. История КПСС, философия, история, Ташкент. 1962. С. 203-218.
18. Тошкент шаҳар Марказий Давлат архиви. 38-фонд. 1-рўйхат. 3518-йиғмажилд.
19. Тошкент шаҳар Марказий Давлат архиви. С-38-фонд, 2-рўйхат, 820-йиғмажилд, 67-варақ. (Ушбу маълумот Т.ф.ф.д., доц. А.Ё. Назаров томонидан тақдим этилди).
20. Холиқова Р.Э. Ўзбекистонда тарих фани ва таълимини ривожланиши, мутахассислар тайёрлаш (ТошДУ тарих факультети фаолияти мисолида 1935-1994 йй.): Тар. фан. ном. ... дисс. Тошкент, 1995.
21. Щеглова Т.К. Устная история (Учебное пособие). Барнаул, 2010. 528 с.